

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Қиличев Хайрулла Маматович ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
3. Ходжаев Бахшилло Камолович ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
7. Имомназаров Алишер Хасанович КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
11. Баракаев Лазизжон Отақулович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
12. Турсунова Маликахон Улуғбековна РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Ходжаев Бахшилло Камолович,
 Тошкент давлат юридик университети проректори,
 юридик фанлар доктори
 E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

**ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН
 ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ**

For citation: Khodjayev Bakhshillo Kamolovich. TRANSFER OF INTELLECTUAL PROPERTY RIGHTS OF RESEARCH RESULTS AND ITS INSTITUTIONAL ASPECTS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.21-28

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113953>

АННОТАЦИЯ

Мақолада университетлар ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотларида ўтказилган тадқиқот натижасида олинган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар трансфери масалалари муҳокама қилинган. Унинг ташкилий-институционал жиҳатларига эътибор қаратилган. Бир қатор ривожланган давлатлар, шу билан бирга, МДҲ аъзо давлатлари мисолида технологияларни трансфер қилиш моделлари, уларнинг ўзига хосликлари ва ютуқлари хусусида фикр юритилган. Технологиялар трансфери соҳасида хорижий ва миллий қонунчилик ҳужжатлари қиёсланган. Қиёслаш натижаларига кўра миллий қонунчиликни такомиллаштириш, бойитиш юзасидан таклиф-тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар. Технологиялар трансфери, технологиялар трансфери офислари, технологияларни лицензиялаш офислари, университет, Фанлар академияси, Бэй-Доул новаторлик қонуни (Bayh-Dole Act).

Ходжаев Бахшилло Камолович,
 Проректор Ташкентского государственного
 юридического университета,
 доктор юридических наук
 E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

**ТРАНСФЕР ПРАВ НА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНУЮ СОБСТВЕННОСТЬ И ЕГО
 ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ КАК РЕЗУЛЬТАТ ИССЛЕДОВАНИЯ**

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы трансфера прав на объекты интеллектуальной собственности, осуществляемого в университетах и других государственных научно-исследовательских организациях, полученных в результате исследования. Уделено внимание

его организационно-институциональным аспектам. В то же время на примере ряда развитых стран и государств-членов СНГ рассматриваются модели трансфера технологий, их особенности и достижения. Проводится сравнение зарубежных и национальных законодательных актов в сфере трансфера технологий. По результатам сравнения были даны предложения и рекомендации по совершенствованию и обогащению национального законодательства.

Ключевые слова. Трансфер технологий, офисы трансфера технологий, офисы лицензирования технологий, университет, Академия наук, Закон Бэйха-Доула об инновациях (Bayh-Dole Act).

Khodjayev Bakhshillo Kamolovich,
Vice-rector of Tashkent State University of Law,
Doctor of Law, Acting Professor
E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

TRANSFER OF INTELLECTUAL PROPERTY RIGHTS OF RESEARCH RESULTS AND ITS INSTITUTIONAL ASPECTS

ANNOTATION

The article discusses the transfer of rights to intellectual property obtained as a result of research conducted at universities and other state research organizations. Attention is paid to its organizational and institutional aspects. On the example of a number of developed countries, at the same time, the CIS member states, the models of technology transfer, their peculiarities and achievements are discussed. Foreign and national legal documents in the field of technology transfer are compared. According to the results of the comparison, suggestions are made regarding the improvement and enrichment of the national legislation.

Keywords: Technology transfer, technology transfer offices, technology licensing offices, university, Academy of Sciences, Bayh-Dole Act of Innovation (Bayh-Dole Act).

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси билан интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланди [1].

Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи рақобат устунлиги сифатида янги билимларнинг ривожланганлик даражаси ва ундан ижтимоий-иқтисодий тараққиётда самарали фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Айнан шу омил мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва роли, халқнинг турмуш фаровонлиги ҳамда иқтисодий хавфсизлик даражасини белгилаб беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 80-95 фоиз кўшимча ўсиши инновацияларга асосланган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда [2, Б.49].

Шу билан бирга, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам анчагина. Айни шу сабабдан тадқиқот натижаси ҳисобланган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар трансфери ҳақида фикр юритишни лозим деб топдик.

1980 йилда АҚШда Бэй-Доул новаторлик қонуни (Bayh-Dole Act) қабул қилиниши билан технологияларини илмий тадқиқот ташкилотидан саноатга трансфер қилиш борасида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлари биринчи ўринга чиқди [3, Б. 215-218]. Мазкур қонун университетлар ва бошқа илмий-тадқиқот ташкилотларига федерал давлат органлари томонидан, яъни АҚШ бюджети ҳисобидан молиялаштирилган тадқиқот натижаларидан олинган патентга эгалик ҳуқуқини олиш учун имкон берди.

Шу билан бирга, қонун университетлар олдида тадқиқот натижаларини саноатда лицензиялаш орқали тижоратлаштириш бўйича дадил қадамларни ташлаш ёки ўқитувчи ва талабаларга “start-up” компанияларини ташкил этиш учун ёрдам бериш талабини қўйди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Қонун нафақат университетлар, балки тадқиқотлар

катализатори вазифасини бажарувчи ўқитувчи ва талабалар манфаатини ҳам қўзлаган. Университетларнинг талаба ва ўқитувчилар тадқиқотлари устидан монополиясини ўрнатмаслик, тадқиқотчиларни университет босими остида қолдирмаслик мақсад қилинган.

Бэй-Доул Қонуни Қўшма Штатларда ҳукумат томонидан молиялаштириладиган тадқиқотлар юзасидан давлат илмий тадқиқот ташкилотларидан хусусий секторга технологияларни трансфер қилишнинг энг кўп учрайдиган моделини белгилаб берган. Қисқача айтганда, технологиялар трансферининг Бэй-Доул модели университетларга давлат молияси асосида ўтказилган тадқиқот натижаларидан тижорий фойда олиш ва бундай тадқиқот натижаларини химоя қилишга имкон яратди. Ушбу модел миллий иқтисодиётга, умуман олганда, бутун дунёга технологияларни тижоратлаштиришдан фойда келтириш, шунингдек университетга технологиядан молиявий даромад шаклида фойда олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур моделнинг ва унинг ишлаш механизмини белгилаб берувчи Қонуннинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, Америка инновацион сиёсати 43 йилдирки мана шу модел ва қонун асосида иш кўради.

Юқорида тилга олинган моделга асосан университетларда марказлаштирилган технологиялар трансфери офиси (ТТО – technology transfer office) ташкил этилади. Айрим университетларда эса, хусусан, Калифорния университетида, алоҳида-алоҳида кампусларга хизмат қилувчи турли офислар мавжуд. Бэй-Доул қонуни қабул қилинган вақтдан бошлаб деярли барча АҚШ тадқиқот университетларида технологиялар трансфери офислари ташкил қилинди.

Технологиялар трансфери офиси ихтироларни баҳолаш, университет номидан патент аризаларини топшириш ва патентларни лицензиялаш учун масъул ҳисобланади. Технологиялар трансфери офиси патент маҳсулотини излаш, патент аризаларини топшириш ва бизнес-секторда муносиб лицензиатни топиш вазифаларини ҳам бажаради. Технологиялар трансфери бўйича замонавий офисда аниқ (табiiй) фанлар, ҳуқуқ, маркетинг ва бизнесни ривожлантириш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган профессионаллар иш олиб боради [4]. Шунга мувофиқ патентдан тортиб “университет – саноат ҳамкорлиги” (university and industry collaboration)нинг барча жиҳатлари технологиялар трансфери офиси томонидан мувофиқлаштирилади. Технологиялар трансфери офисининг фаолияти “патент агентлиги” иши моделига мувофиқ бўлганлиги учун ҳам унинг асосий мақсади патентланадиган ихтироларни саноат вакилларига сотишга қаратилган ҳисобланади. Технологиялар трансферининг мазкур модели давлат сиёсати ва бошқарув идоралари томонидан қўллаб-қувватланадиган олий таълим ва тадқиқот институтлари учун стандартлаштирилган тизим ҳисобланади.

Бэй-Доул инновациялар модели ҳукумат томонидан молиялаштиришга асосланган бўлиб, саноати ривожланган кўплаб жаҳон мамлакатларида кенг тарқалган. Ундан нафақат университетлардан саноатга технологияларни трансфер қилишни кенгайтиришда, балки илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш (R&D) бўйича тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур тармоқлараро ҳамкорликда нафақат федерал органлар, университетлар ёки илмий-тадқиқот ташкилотлари, балки кичик компаниялардан тортиб, йирик корпорациялар ҳам иштирок этиши мумкин.

Бугунги кунга келиб АҚШнинг биргина Массачусетс технология институти бир неча ўнлаб билим соҳаларида камида 400 та марказ ва лабораторияларга эга [5. Б.51]. Унинг доирасида илмий-тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган “Deshpande Centre for Technological Innovation” номли технологик инновациялар маркази яратилган. Унинг микромолиявий инновациялар миқдори ўн миллионлаб АҚШ долларига тенгдир [6].

Буёқ Британия, Германия, Япония каби мамлакатларда эса илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш учун университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари ҳузурида технологияларни лицензиялаш бюрolari ташкил қилинган.

Германиянинг инновацион сиёсатининг ўзига хос томони ҳам худди АҚШ каби илмий тадқиқотларни ва инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашга давлат томонидан кўмаклашув ҳисобланади [7. Б.4]. Масалан, Германияда илмий-тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштириш бўйича Мюнхен техник университети шуғулланади. Университетда илмий-тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган куйидаги тузилмалар яратилган:

1) Тадбиркорлик маркази (TUMentrepreneurship) учта тузилмани ўз ичига олади:


a. UnternehmerTUM GmbH таркиби маслаҳатлар беради, бизнес-режалар тузади, институционал инвесторларни қидиради, семинарлар ўтказади;

b. GründerTUM – Workshop, маркетинг, молия ва молиялаштиришга, юридик саволларнинг ҳимоясига, патентларни сотиш ва сотиб олишга жавоб беради;

c. GründerLAB тузилмаси аслида бизнес-инкубатор: у маъмурий бинолар ва музокаралар учун хоналар, прототипларни ишлаб чиқариш имкониятига эга инновацион лаборатория билан таъминлайди;

2) Тадқиқотлар ва инновацион трансфер офиси (TUM ForTe, the Office for Research and Innovation Transfer) – технологиялар трансферига кўмаклашиш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ихтирочиларга маслаҳат бериш, патентга тегишли илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини аниқлаш ва шу каби бошқа вазифаларни амалга оширади;

3) Патент ва лицензиялаш офиси (TUM Patent and Licensing Office) – технологияларни бозорга олиб чиқиш юзасидан мижозлар билан музокара қилиш, лицензиялар бўйича шартномалар тузиш каби вазифаларни амалга оширади [8].



1-жадвал [9. Б.60]

ТЛОларнинг технологияларни трансфер қилиш амалиёти

Японияда эса 1990 йилларда илм-фан ва саноат соҳасида кенг миқёсли ислоҳотлар бошланиб, дастлаб 1995 йилда “Илм-фан ва технология асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонун Япониянинг илм-фан ва технологиялар соҳасидаги янги сиёсатининг асосини белгилаб беради. Орадан бироз вақт ўтиб 1998 йилда “Университетлар ва бошқа давлат илмий-тадқиқот институтларида яратилган технологияга оид илмий иш натижаларини хусусий секторга трансфер қилинишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади. Ушбу қонун қисқартирилган ҳолда “ТЛО қонуни” номи билан ҳам юритилиб,

Японияда илк бор Технологияларни лицензиялаш ташкилотлари (TLO – Technology Licensing Organization) ўз фаолиятини бошлашига асос бўлди. Ушбу ташкилотлар хусусий сектор ва университетлар ҳамда давлат илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажариб бериши ва давлат ҳамда университетлар бюджети ҳисобидан яратилган илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш фаолиятини ривожлантириши кўзда тутилган.

1998 йилги TLO қонунидан кейин ташкил этилиши бошланган Технологияларни трансфер қилиш ташкилотлари (кейинги ўринларда TLO деб юритилади) университет тадқиқотчилари яратган илмий-тадқиқот натижаларини патентлаб, патентланган технологияларни хусусий сектор компанияларига лицензиялаш билан шуғулланувчи ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда Японияда 35 та расман рўйхатга олинган TLO ўз фаолиятини кўрсатаётган бўлиб, улар Япониянинг турли ҳудудларида жойлашган. TLOлар ташкил этилиш шакли асосан 2 хил бўлади: университет таркибида (ички) ёки университетдан ташқарида (ташқи) алоҳида юридик шахс сифатида.

Кейинчалик 1999 йилда Японияда Bayh-Dole қонунининг японча кўриниши деб ҳам номланадиган “Саноатни қайта жонлантириш бўйича махсус чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади. Ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ университетлар давлат грантлари асосида яратилган илмий-тадқиқот натижаларини хусусий компанияларга ўтказиш ваколатига эга бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот натижасида қўлга киритилган ихтиро сингари интеллектуал мулк ҳуқуқлари куйидаги 3 та шарт бажарилган ҳолатда университетлар (ёки давлат гранти асосида илмий-тадқиқотни амалга оширган тузилмалар) томонидан мустақил равишда фойдаланиладиган бўлди:

- а) илмий-тадқиқот натижаси ҳақида (интеллектуал мулк ҳақидаги маълумот билан бирга) кечиктирмасдан давлатни хабардор қилиш;
- б) давлат оммавий манфаат йўлида зарур деб топган ҳолатларда, давлатга бепул асосда фойдаланиш лицензиясини бериш;
- с) университет ўзи фойдаланмаётган илмий-тадқиқот натижаларини учинчи шахсларга фойдаланишга бериш.

Шунингдек, 2006 йилда Японияда “Таълим асослари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритилди. Бунгача университетларнинг асосий вазифалари сифатида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва кадрларни тайёрлаш бўлган бўлса, янги ўзгартириш билан университетларнинг “учинчи вазифа”си сифатида илмий-тадқиқот натижаларини жамият ривожини учун етказиб бериш вазифаси ҳам қўшилади.

Мамлакатимизда ҳам бу борада илғор қадамлар ташланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 май ПҚ–3698-сон қарори [10]. билан олий таълим муассасалари тузилмасида илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этилган. Мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифаси сифатида куйидагилар белгиланган:

- 1) бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;
- 2) юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;
- 3) инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш;
- 4) янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Технологиялар трансферининг ташқи марказлари

Инновацион иқтисодиётда илмий тадқиқот ишлари натижаларини фуқаролик муомаласига жорий қилишнинг янги йўллари излаб топиш зарурати пайдо бўлди. Шу

нуктаи назардан, сўнгги йилларда инновацион тизимда “университет (илмий-тадқиқот институти) => технологиялар трансфери маркази => саноат корхонаси” занжири алоҳида аҳамият касб этиб, мазкур жараёнда ҳал қилувчи қисм – технологиялар трансфери маркази ҳисобланади. Технологиялар трансферининг ташқи марказлари деб номланишига сабаб мазкур марказлар университет тузилмасидан ташқарида фаолият юритади, амалиётда эса инновацион менежерлар деб ҳам юритилади.

Ташқи (очиқ) ТЛОларнинг технологияларни трансфер қилиш амалиёти

Умумқабул қилинган механизм моделига кўра интеллектуал мулк объектлари тадқиқот маркази (университет, Фанлар академиясида, илмий-тадқиқот институти)да ишлаб чиқилади, кейин эса уларни тижоратлаштириш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамкорлар (воситачилик фирмаси) билан биргаликда марказда ишлаб чиқилган ғояни фойдаланишга тайёр ҳолга келтира оладиган янги компания тузилади. Ҳамкор (инновацион менежер) янги технологияни қўллашдан манфаатдор бўлган саноат компанияси, шунингдек, янги компания учун инвесторни топиш билан шуғулланади. Янги компания тадқиқот марказига интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш учун лицензия тўловларини тўлайди. Лойиҳа муваффақият қозонган тақдирда янги компания тадқиқот марказига илмий ишланмаларга янги буюртма бериши мумкин ва ушбу жараён қайта такрорланаверади.

Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг ушбу моделидан Буюк Британия, АҚШ университетларида бажарилган илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда самарали фойдаланилади.

Мамлакатимизда бу борада сўнгги йилларда илғор қадамлар қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 1 апрель ПҚ–5047-сон қарори билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази негизида Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси ташкил этилган. Мазкур Миллий офиснинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида куйидагилар белгиланган:

1) иқтисодийнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратиш, жорий этиш, кўпайтириш ва уларни тижоратлаштириш;

2) тижоратлаштириш имкониятига эга ишланмаларни танлаш, баҳолаш ва жорий этишда фаол қатнашиш, уларни тижоратлаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш;

3) илмий, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларни ишлаб чиқариш ташкилотлари билан илмий ва инновацион соҳада изчил ҳамкорлигини ривожлантириш;

4) илмий фаолият субъектларига интеллектуал мулк объектлари ва ноу-хаулардан фойдаланиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш, молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда маркетинг усулларини қўллаш бўйича ўқув ва тренинг курсларини ташкил қилиш;

5) хорижда ишлаб чиқилган технологиялар трансферини амалга оширишга ва маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш [12].

Шунингдек, мазкур қарор билан технологияларни трансфер қилиш миллий ва ҳудудий офисларини мувофиқлаштириш, яъни мавжуд технологиялар трансфери офислари фаолиятини кўриб чиқиш ва мониторингини ўтказиш ҳамда технологиялар трансфери офисларида илмий ишланмалар ва технологиялар трансфери лойиҳаларини баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш белгиланган.

Хулоса қиладиган бўлсак, университетлар ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотларидаги тадқиқот натижасида олинган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларнинг трансфери ва унинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириш таклиф қилинади. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япония давлатларининг ўрганилган тажрибасидан келиб чиққан ҳолда:

“Университетлар ва бошқа давлат илмий-тадқиқот институтларида яратилган технологияга оид илмий иш натижаларини хусусий секторга трансфер қилинишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сон Қонунида олий таълим ва ундан кейинги таълим вазифаларини белгилаш. Бунда университетларнинг асосий вазифалари сифатида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва кадрларни тайёрлаш билан бирга илмий-тадқиқот натижаларини жамият ривожига учун етказиб бериш вазифаси эканлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, технологиялар илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини бериш тартибини ҳам такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда мазкур тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган “Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисида” низом билан тартибга солинади. Низомда давлат буюртмаси тегишли органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларга (мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари) ҳам мувофиқ берилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бизнингча, асосий урғуни ана шу ва ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантиришга қаратиш керак. Негаки, бу назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда жуда муҳим ўринга эга. Чунки университет ёки илмий-тадқиқот ташкилотига фаолият олиб бораётган профессор-олимда тадқиқот олиб бориш учун назарий билимлар бўлса, шу соҳадаги амалиётчида амалий тажриба мавжуд бўлади. Яъни амалий тажрибага эга ходимлар ўз иш фаолиятида қандай муаммоларга дуч келаётганлигини билади, баъзи ҳолларда муаммоларга ўзича ечим излайди. Ана шундай ҳолатларда илмга юзланилса, илм-фан кишиларига мурожаат қилса, улар амалиётдаги муаммонинг илмий-амалий ечимини амалиётчилар билан бирга ечиши мумкин бўлади. Бундан шахс ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам бирдек манфаат топади. Олим ўз номи билан олим, у амалиётдаги муаммони ўрганиши учун унинг ичига кириши керак. Бунинг ўрнига амалиётчилар томонидан тайёр муаммо ташқарига – олимга чиқарилса, у мақбул ечимни топиши осонроқ кечади. Ички ва ташқи трансферларнинг бундай кесишуви ҳар икки тарафга манфаат етказди. Амалиёт ва назариянинг бевосита уйғунлиги таъминланади. “Амалиёт ва назария бошқа-бошқа нарса”, деган қарашларнинг пучлиги янада аён бўлади. Технология ёки билимлар трансфери улар ўртасида ўзаро кўприк вазифасини бажаради.

Шунингдек, ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари бугунги кунда белгиланганидек, нафақат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширувчи бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида, балки вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳам назария ва амалиёт, билим ва бизнес ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмасдан қолмайди. Буни ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, маълум ҳудудда жиноятчилик суръати ўсаётганлигининг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш юзасидан Ички ишлар вазирлиги ёки университетлар учун Интеллектуал мулк сиёсати ҳамда уни амалга ошириш механизмларини яратиш учун Адлия вазирлиги илмий-тадқиқотларни олиб бориш юзасидан ташаббус билан чиқиши мумкин. Зеро, илм амалиёт билан боғланмас экан, унинг трансфери ҳақида гапириш имконсиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. (The new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan (adopted by voting in the referendum of the Republic of Uzbekistan held on April 30, 2023). National database of legislative information, 01.05.2023. №03/23/837/0241)
2. Эрмаматов Ш.Ж. Инновацияга асосланган иқтисодиёт барпо этишнинг концептуал жиҳатлари. // «Миллий инновация тизими шаклланишининг илмийконцептуал ва амалий

- жихатлари: хорижий тажриба ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2016. -49-б. (Ermamatov Sh.J. Conceptual aspects of building an economy based on innovation. // "Scientific-conceptual and practical aspects of the formation of the national innovation system: foreign experience and the main directions of its use" collection of materials of the Republican scientific-practical conference. - Т., 2016. -р. 49.)
3. Bayh, V., 2006, Bayh-Dole : Don't Turn Back the Clock, Les Nouvelles, December 2006, pp. 215-218.
 4. Levine, D. Re-inventing the Workplace, Washington, Brookings Institute, 1995.
 5. Курбанова М.Н. АҚШ инновацион тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2018, 10(118). 51-бет. (Kurbanova M.N. Peculiarities of the formation and development of the US innovation system. Economy and Finance/ Экономика и Финансы 2018, 10(118). P.51).
 6. URL: <https://deshpande.mit.edu/>
 7. Ф.Б. Шакирова. Жаҳондаги инновацион ривожланган давлатлар иқтисодиётининг айрим жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2016 йил. 4-бет. (Shakirova F.B. Some aspects of the economy of innovative developed countries in the world. Scientific electronic journal “Economy and innovative technologies”. No. 1, January-February, 2016. Page 4).
 8. Technical University of Munich (<https://www.tum.de/en/innovation/>).
 9. М.Қўчқоров. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда Япония тажрибаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. "Инновация ва интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистонда қўллаш муаммолари: интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолаш" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ҲСТИ, Электрон нашр. 2021. 60-бет. (M. Kochkarov. The Japanese Experience in Intellectual Property Commercialization: A Comparative Legal Analysis. Collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic "Problems of applying international standards in the field of innovation and intellectual property in Uzbekistan: commercialization and evaluation of intellectual property objects". Т.: HSTI, Electronic publication. 2021. Page 60).
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 май ПҚ-3698-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2018 й., 07/18/3698/1178-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон. (Resolution PQ-3698 of May 7, 2018, of the President of the Republic of Uzbekistan “On additional measures to improve the mechanisms for introducing innovations into economic sectors and industries”. National database of legislation, 08.05.2018, No. 07/18/3698/1178; 09/28/2020, No. 06/20/6075/1330; 02.04.2021, No. 06/21/6198/0269).
 11. Кияев В.И., Граничин О.Н. Открытые системы и интеллектуальная собственность в ИТ. М.: Национальный Открытый Университет "ИНТУИТ", 2016. Стр. 80. (Kiyayev V.I., Granichin O.N. Open systems and intellectual property in IT. М.: National Open University "INTUIT", 2016. P. 80).
 12. “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 1 апрель ПҚ-5047-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.01.2023 й., 07/23/471/0001-сон. (Decision No. PQ-5047 of April 1, 2021 "On measures to further improve state policy in the field of science and innovation development". National database of legislation, 01.01.2023, No. 07/23/471/0001).



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000